

Хушхабар: «Қуръони Карим қироатлари тўғрисида» китоби нашрдан чиқди



21:00 / 23.12.2021 2768

Ислон цивилизацияси маркази «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби, Қуръон ҳофизи Ҳасанхон Яҳё Абдулмажиднинг қаламига мансуб «Қуръон қироати тўғрисида» китобини нашрдан чиқарди. Ушбу янги чоп этилган китобда Қуръони Карим қироати тарихи тўғрисида илмий ва оммабоп маълумотлар, шунингдек кўпчилик юртдошларимизни қизиқтираётган мавзулар ҳақида сўз боради. Аввалроқ муаллиф томонидан «Бу ҳам Қуръонми?» сарлавҳали мақола islom.uz сайтининг ижтимоий тармоқларида сиз азизларга тақдим этилган эди.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг истак-хоҳишларини эътиборга олган ҳолда, деярли барча вилоятларда Ўзбекистон муслмонлари идораси ва Илмий марказлар ҳузуридаги Қуръон тажвиди курслари фаолият

юритмоқда. Уларда йигирма мингдан ортиқ тингловчилар таҳсил олмоқда.

Аллоҳ таоло хайрли ишларни бардавомли қилсин!